

НИГОРА САФАРОВА  
NIGORA SAFAROVA

**МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ  
МАВЛЯНО ОРИФ ДЕГГАРОНИ  
MAVLONO ORIF DEGGARONIY**



Навоий-2011



**НИГОРА САФАРОВА**  
**NIGORA SAFAROVA**

**МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ**  
**МАВЛЯНО ОРИФ ДЕГГАРОНИ**  
**MAVLONO ORIF DEGGARONIY**

**Навоний-2011**

**Улуттарни эъзозлаган юрт,  
завол кўрмагай.**

## **Ислом Каримов**

Ушбу рисола кенг китобхонга мўлжалланган бўлиб, унда тасавуф тарихида Хўжагон ва Накшбандия тарикатларини бир-бирига силсилавий боғланиши ва маънавий айнийлигини саклаб колища мухим ўрши эгаллагашлар буюк валий **Мавлоно Ориф Деггароний** ҳакида маълумот берилган.

Брошюра предназначена для широкого круга читателей. В ней публикуются данные о великом суфи, мудрене **Мавлюно Ориф Деггарони** сыгравшего значительную роль в истории суфизма в соединении и сохранении духовного единства суфийских братств, тарикатов Ходжагон и Наджбандий.

The brochure is for the large spectr of readers. It gives a basic information about outstanding sufi and wiser **Mavlyono Orif Deggaroni** who played the great role in the history of Sufism in joining and supporting spiritual harmony of Hodjagon and Nakshbandiya trends (tarikat).

**Илмий мухаррир:** Равшан Раҳмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсанган халқ таълимими ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Научный редактор:** Равшан Раҳмонов, Заслуженный деятель народного образования Узбекистана, доктор философских наук, профессор

**Scientific editor:** Rayshan Rakhmanov, Honored teacher of Public Education of Uzbekistan, Ph.D., professor

**Такризчилар:** Г. Наврузова, фалсафа фанлари доктори, профессор  
Р. Қаршиев, тарих фанлари номзоди, доцент

**Рецензент:** Г.Наврузова, доктор философских наук, профессор  
Р.Каршиев, кандидат исторических наук, доцент

**Reviewers:** Ph.D., professor G. Navruzova  
Ph.D., assistant professor R. Karshiev

**Муаллиф:** фалсафа фанлари номзоди, доцент Нигора Сафарова  
**Автор:** кандидат философских наук, доцент Нигора Сафарова  
**Author:** Ph.D., assistant professor Nigora Safarova

© Нигора Сафарова. Мавлоно Ориф Деггароний. Навоий: 2011-34 б.  
©Nigora Safarova. Mavlyono Orif Deggarony. Navoi: 2011-32 used.  
© Навоий давлат педагогика институти

**Мавлоно Ориф Деггароний**

Халқимиз асраб-авайлаб, ривожлантириб келган қадриятларини тиклаш, умумбашарий рух билан бойитиш ва янги жамият куришига тадбиқ этиш ҳаётий заруриятга айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганлариdek: «Тарих миллатнинг ҳакиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантироқда, ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айлантироқда. Марказий Осиё тарихида сиёсий аклидрок билан маънавий жасоратни, диний дунёкаш билан қомусий билимдонликини ўзида мужассам этган буюк арабблар кўп бўлган».

Шундай сиймолардан Хўжагон<sup>1</sup> тасаввуфий мазҳаб, ирфон<sup>2</sup> соҳиби мактаб тарикатининг устози, маъруф муалими, Хўжагон тарикати ва таълимотининг йирик намояндаси, буюк Баҳоуддин Накшбанднинг устози, инсонпарвар Мавлоно<sup>3</sup> Ориф<sup>4</sup> Деггаронийдир.

<sup>1</sup> Хўжагон – (хўжа – соҳиб, деган маънени англаради) Абдулхолик Фиждувоний сулуки (йўл), асосан шахарликлар орасида кенг таркалган ва шахар атрофида мослашган бўлиб, бу сулук издошларининг ҳаёт тарзи сўфийлик амалиётига асосланган.

<sup>2</sup> Ирфон – Аллоҳ ва унинг сифатлари ҳакида бевосита маълумот берувчи ботиний тажриба ва маънавий мушоҳадага асосланган диний хужжатларининг ривоят килиниши ёки аклий қиёс ва хужжатта көлтиришга асослаган маълумотлар, яъни илмдан мухимроқ ва қадрлироқ деб каралган.

<sup>3</sup> Мавлоно (араб.–бизнинг жаноб) – Ўрта Осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи, олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларинга кўшиб ишлатиладиган сўз.

<sup>4</sup> Ориф – ирфон соҳиби, том маънодаги ҳақшунос. Суфийларнинг тушунчасида илм-аклга, ирфон-туйгуларга асосланади. Ориф бўлмоқ учун китобий билимлардан беҳад юксалмок керак. Ориф – Аллоҳ томонидан баҳш этилган “Ладун” ишораси билан унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, тангри борлиги билан умр ўтказади.

Мавлоно Ориф тахминан 1312 йил Навоий вилояти Ҳазора қасабасидаги Деггарон қишлоғида дунёга келганлар. Касблари дехқончилик бўлган.

Абдул Муҳсин Мухаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрат Хожа Накшбанд» китобида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг оталари исми ва касбу кори ҳакида ҳам маълумот бор. Хожа Аҳмад Мисгар Ориф Деггаронийнинг оталари бўлиб, мисгарлик ва дехқончилик билан ҳаёт кечирганлар.

Мавлоно Ориф Деггароний фаолиятлари тўғрисида XIV асрдан то XX аср бошигача бўлган даврда яшаб ижод этган ва фаолият кўрсатган ўз замонасанининг уламолари ва фузалоларининг ёзган нодир кўлёзма асарларининг куйидагилари бизгача етиб келган:

- Салоҳиддин ибн Муборакнинг (вафоти 1390) «Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин»;
- Мухаммад Бокирнинг (вафоти 1401) «Мақомоти Ҳазрат Хожа Бузурк»;
- Мавлоно Шаҳобиддиннинг «Макомоти Мири Кулол»
- Фахруддин Али Сафийнинг (вафоти 1503) «Рашаҳот айн ул-ҳаёт»;
- Мухаммад Тохир Эшоннинг (вафоти 1746-47) «Тазкират ул-авлиёйи Тохир Эшон»;
- Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг (вафоти 1902) «Хазинат ул-асфиё»
- Носируддин ал-Ҳанафийнинг (вафоти 1906) «Тухфат аз-зоирин» асарлариdir.

Фахруддин Али Сафий «Рашаҳот айн ул-ҳаёт»ида ёзишича, зоҳирий ва ботиний илмларнинг билимдони, каромати машҳур буюк авлиё Баҳоуддин Қишлоқий Ориф Деггаронийни ўз фарзандлигига

олади, тарбия қиласи ва унга пири – муршидликни ўзи бажаради. Кейинчалик эса Мири Кулолдан тарбия оладилар.

Мавлоно Ориф Деггароний тариқат сабогини Ҳазрат Сайд Мири Кулолдан ўргангандар. Маълумки, Ҳазрат Мири Кулолнинг 114 хақка етган, авлиё даражасига етишган шогирдлари бор эди. Лекин энг етуклари қуидагилардир: Мавлоно Ориф Деггароний, Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд, Ҳазрат Шайх Ёдгор Валий Консуруний, Ҳазрат Шайх Жамолиддин Деха Осиёй.

Тарбия жараёнида Ҳазрати Мири Кулолнинг “Луқмаи ҳалол” тўғрисидаги таълимотлари Ориф Деггаронийнинг камол топишларида муҳим аҳамият касб этади. Зоро тариқатнинг, сулукнинг (*йўл*) талабларидан бири, солик (*йўловчи*) албатта маълум бир хунарни эгаллаши лозим ва ўша касб хунари ёрдамида “ҳалол луқма”сини топиши ҳамда исрофгарчиликка йўл кўймаслиги лозим бўлган. “Инсон вужуди мисли кудукдек, унга ифлос нарса тушмаслиги керак”,<sup>1</sup> –деб таъкидлаганлар Мири Кулол. Ушбу хикматда кудук инсоннинг қалби, кудукқа ифлос нарса тушса, унинг суви бузилишидек, инсон “Луқмаи ҳалол”га риоя килмаса, аслий жиҳати бўлган қалбида, виждонида бузилиш содир бўлади, яъни нафс ўз ҳукмини ўтказа бошлайди ва натижада, инсон нафсга қул бўлади. Нафс тубсиз ва чегарасиз бир уммон. Унга қул бўлган киши мансабга, бойликка, зебу-зийнатга берилади, меҳр кўяди. Уларни турли жирканч йўллар билан орттиришга ҳаракат қиласи. Бундай кишиларда ман манлик, магрурлик ва такаббурлик намоён бўла

<sup>1</sup> Шаҳобиддин Ибн бинту Амир Ҳамза. Макомоти Мири Кулол. Т.: Ильян типографияси.). Бухоро музейи. Изв. № 1158.

бошлайди. Қалбни кибр, ҳасад, баҳиллик, нифок, кина каби губор босади ва виждан йўқолади. Натижада, киши ўзининг инсоний киёфасини йўқотиб, манқуртга айланади. Мири Кулол таълимотлари тажрибада кўринадиган амалий илм бўлиб, ўзида умуминсоний қадриятлар мужассамлаштирилган билимдир. У киши соглом фикр ва акл билан бир қаторда қудсий<sup>1</sup> билимлар кашфу илҳом орқали ҳосил килиш йўлларини ўргатганилар.

Носируддин ал-Ҳанафийнинг «Тухфат аз-зоирин» китобида Мавлоно Орифнинг халифа шогирдлари ҳакида маълумот бор. Мавлоно Ашраф Бухорий Мавлоно Орифнинг биринчи халифалариdir. Бу зоти шариф Мавлоно Ориф Деггароний вафотларидан сўнг, у кишининг ўрнида устозлик қилиб, соликларни ҳақ йўлига бошладилар. Мири Ихтиёриддин Деггароний эса Мавлоно Орифнинг иккинчи халифалари хисобланади. Мавлоно Ориф Деггароний вафотларидан сўнг Мири Ихтиёриддин муридлари тарбияси билан машғул бўлдилар. Мири Ихтиёриддин Деггаронийнинг муборак қабрлари Бухоро шаҳридаги Косагарон гузаридадир. Ҳазрат Мири Кулолнинг ўғиллари Мири Ҳамза, шунингдек, Хожа Мухаммад Порсо ва яна минглаб муридлар Мавлоно Ориф Деггаронийдан сабоқ олганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд эса Сайид Мири Кулолдан ижозат олганларидан сўнг, етти йил Мавлоно Ориф Деггаронийга хизмат килганлар. Баҳоуддин дейдиларки: «Мана шу етти йил давомида мен мавлонодан юқори туриб ҳеч таҳорат олмадим, ул киши қадамлари

<sup>1</sup> Кудсий билимлар—“маърифат”, “ирфон”, “илми мукошифа”, “илми лаъдун”, “илми ваҳбий” каби номлар беришади.

изига ҳеч қадам босмадим.... Икки бор ҳижоз, яъни Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара сафарида бўлдим, бисёр азизлар, яъни авлиёлар сұхбатига етишдим, лекин агар Мавлоно Орифдек кишини ўша ерларда топганимда эди, ҳаргиз бу ерларга қайтиб келмас эдим»<sup>1</sup>.

Мавлоно Ориф Деггаронийнинг қуйидаги ҳикматлари Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт»тида берилган: «Мири Ҳамза мефармуданд, ки ҳидмати Мавлоно Ориф маро гуфтанд: «Агар ёре меҳоҳед ки, бори шума кашад ин бағоят душвор аст. Ва агар ёре меҳоҳед, ки шумо бори ў кашед ҳама жаҳон ёри шумост»<sup>2</sup>. Яъни Ҳамза дедиларки: «Мавлоно Ориф менга айтдилар: «Агар юқимни кўтарсан десанг, юкинги кўтаргувчи дўст топмоқ ҳаётда душвордир. Ва агар юкини кўтаришни истасанг, бутун жаҳондагилар сенга дўст бўлгай».

Хўш, Мавлоно Ориф «юқ» деганда нимани назарда тутганлар? Бу қандай «юқ» қашшоқ, бева-бечора, мусибатли, дардманд кишиларга ҳамдардлик изхор қилиш каби инсоний фазилатлардан тортиб, то элу юрт, ҳалқ ва дин йўлида фидойи бўлмокни англатади.

Мавлоно демоқчиларки, сенда бироннинг дардига шерик бўлиш, ўзгаларнинг оғирини енгил этиш учун рагбат, холисанлилоҳ, бетама хизмат қилиш фазилати бўлса, бутун бани башар сенга дўст. Бу дунёда банданинг бошига тушиши мумкин бўлган «юқ» хилма-хил бўлиб, жазм қилган жавонмард бошқа бироннинг «юқини» кўтаришга кодир экан. Дарҳакиқат, касалга ҳамдардлик билдириб, уни бу

<sup>1</sup> Бу ҳақда: Гулям Сирнир Лоҳури. Ҳазинат ул-асифа. 1903. ЎзР ФА ШИ кўлэзмаси фонди.

<sup>2</sup> Кошифий Фахриддин Али бин Ҳусайн вонз. Ас-Сафий. Рашоҳот айнуд Ҳаёт. 1389х. 28-бет. Иби Сино вомти ишлоптук кутубхонаси Инв. 1164/1

«юқ»дан куткарса бўлади. Мухтожга молу давлат берсанг, унинг «юқ»и енгиллашади, мухтожлик азобидан қутулади. Жон хатарда колганда ҳам ҳақиқий мардлар ўзгалар учун жонини фидо килиб, дўст хаётини сақлаб қолади. Лекин ...яна бир «юқ» борки, уни банданинг бошидан кўтаришга ҳеч ким қодир эмас. Бу гуноҳ «юқ»и! Ушбу дунёда килинган гуноҳлар «юқ»и банданинг елкасида киёматтacha туради. У кунда (яъни киёмат кунида) киши ўз биродаридан қочур, яна онаси ва отасидан ҳам, хотини ю ўғилларидан ҳам қочур. («Абаса», 34-36-оятлар).

Тариқат пирлари, инчунин, Мавлоно Ориф Деггароний ҳам пайгамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом пайравлари, издошлири бўлган. Бу зоти шариф ҳам ўзгаларнинг «юқ»ини кўтариб яшадилар. Одамларни тўғри йўлга бошладилар, тариқату шариат ривожига муҳим хисса қўшдилар.

Хўжагон тариқатининг йирик намояндаси Мавлоно Ориф Деггаронийдек валийлар инсонлар қалбининг муҳаббат уруги хисобланади. Ҳазрат Баҳоуддиннинг куйидаги ҳикматларига эътибор берайлик: «Суҳбатимизга келганларнинг баъзиларининг қалбida муҳаббат уруги бор, лекин у уруғнинг гуркираб ўсишига халакит берувчи хас-хашаклар мавжуд (кибр, хасад, баҳиллик, нифок, ғуур). Бизнинг вазифамиз уларнинг қалбларини хасу хашакдан покизалашдир. Лекин баъзи суҳбатга келганларнинг қалбida муҳаббат уруги умуман йўқ. Биз уларнинг қалбига муҳаббат уругини сепамиз».

Хўжагон Марказий Осиёдаги тасаввуфий-диний оқимининг номидирки, бу оқим тури вақтларда XII-XV асрнинг охиригача

турли даражадаги суфийлар жамоаси ҳисобланарди. Унинг асосчиси аслида Абдухолик Фиждувоний ҳисобланади. Фиждувонийдан Баҳовуддингача мерос сифатида ўтиб келган маънавий силсиласини кўриб чиқсак, унда аникланадики, Баҳовуддин мазҳаби Марказий Осиёда тарқалган кўп сонли Хўжагонлар жамоасининг бири ҳисобланади. Баҳоуддин Накшбанд яшаб ижод этган даврда ҳам тариқат Хўжагон деб аталган, у кишининг вафотидан кейин тариқат Накшбандия деб номланган.

Демак, Накшбандия тариқати ўз гоявий келиб чикиши жиҳатидан Хўжагон тариқатига бориб тақалади. Хўжагон ва Накшбандия тариқатларининг силсилавий боғланиши маънавий бирлиги ва ушбу тариқатларнинг Марказий Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалишида ва мустаҳкамланишида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ўрни бекиёс бўлган.

Мавлоно Ориф Деггароний таҳминан 1375 йил вафот этганлар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Деггарон қишлоғида машҳур зиёратгоҳдир. Мұхаммад Тоҳир Эшоннинг «Тазкират ул-авлиёйи Тоҳир Эшон» номли асарининг «Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний раҳматуллоҳ алайхининг баёнидур» деган фаслида Деггаронийга катта баҳо бериб ёzádi: «Ул орифларнинг комили, шарифларнинг шарифи, олими фуруъ ва усул, мутобиби Ҳазрати Расул, ҳодийи раббоний, яъни Ҳазрати Мавлоно Ориф Деггаронийдур»<sup>1</sup>.


Тоҳир Эшон Деггароний яшаган жойларни ҳамда унинг қабрини алоҳида ҳурмат ила бориб, зиёрат қиласи. Бу хақда унинг ўзи шундай ёzádi: «Ул жанобнинг мавлиди ва мадфани Бухоро дарёсининг

<sup>1</sup> Тоҳир Эшон. Тазкираи накшбандия. ЎзФА ШИ кўлэзмаси, 856-сон, 123<sup>а</sup>-бет.


канорида, Ҳазора қальасининг яқинидаги Деггарон отлиғ даҳада эрди. Факир Самарқанддин мурожаат қилғон вақтда, ул азизнинг қабри зиёратига мушарраф бўлдим».<sup>1</sup>

Зиёратгоҳ олдида ҳозирги кунгача сакланиб қолинган қадимий масжид мавжуд. Ушбу масжид қадимий ва бетакрор меъморий конструкцияга эга бўлган, Марказий Осиё ўрта асрлар меъморчилигидаги ягона инишот десак муболага бўлмайди. Гишткори қилинган тўрт устун (ҳар-бир устуннинг айланаси узунлиги 3 метр, 94 см., диаметри эса таҳминан 1м.30 см.) бир-бировига геометрик пропорцияда туташган аркалар гиштли елканлар ёрдамида тўққиз гумбазни саклаб турибди. Устунлар қатор: тарих, археология, этнография, саноат археологияси, инжиниринг каби фан соҳалари учун муҳим тадқиқот обьекти бўлиб қолмоқда. Ушбу устунларнинг тўққиз гумбазни кўтариб туриши ва диаметрининг катталигини инобатга олган ҳолда, унинг асосида мустахкам бир материя бор деб таҳмин қилиш мукин.

Масжид ҳакида манбалар жуда кам бўлиб, А.Ю.Якубовский, М.М.Хайруллаев каби таникли шарқшунослар фикрича, Ўрта Осиёнинг монументал меъморчилик тарихини ўрганишда ўша давр масжид, минора, шоҳ саройлари, турли ижтимоий биноларнинг колдикларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Улар илк ўрта асрларда архитектура ривож толғанлигидан далолат беради. Эски Термиздаги Чорустун, Бухоро яқинидаги Деггарон, ёзма манбаларда златиладиган Ҳўжанд, Марв, Самарқанддаги масжид ва миноралар




Масжиднинг олдинги кўриниши  
Вид мечети в 1950 годы  
The site of the mausoleum in 1950 s



Мавлоно Ориф Деггароний сағаналарининг олдинги кўриниши  
Преждний вид погребения Мавлоно Орифа Дегтароний  
The previous site of the tomb of Mavlono Orif Deggaroniy

<sup>1</sup> Ўша манба: 123<sup>8</sup>-бет



Масжид ичидаги устунлар

Изображение колон внутри мечети

Inner columns of mosque



Масжид ичидаги устунлар

Изображение колон внутри мечети


Inner columns of mosque



Устуннинг айланы узунлиги 3 м. 94 см., диаметри таҳминан 1м. 30см.

Длина окружность колоны 3м. 94см. диаметр приблизительно 1м. 30см.

The length of column is 3m. 94sm., diameter is about 1m. 30sm.



Масжид катта гумбазининг пештоки

Внутренний вид большого купола мечети


The big cupola portal of the mosque



Масжид кичик гумбазининг пештоқи  
Внутренний вид малого купола мечети  
The small cupola portal of the mosque



Масжид гумбазлари  
Купола мечети  
The cupolas of the mosque



Масжиднинг таъмириланиш жараёни (2006)  
Реставрационный процесс мечети (2006)  
The restoration process of the mosque (2006)



Таъмирилаш жараёнида срга тескари кўмилган ва ост кисми ўйиб олинган кўзалар топилмаси, 2006. (Қадимдагилар бундай ишоотни товуши резенансини кучайтирувчи восита сифатида фойдаланишган деган тахмин мавжуд. Масалан узоқдан келаётган каравон ҳаракатининг товуши)

Керамические кувшины найдено при реставрации 2006 году с удаленным дном и врытые в землю горлом в низ.. (Есть предположение, что древние эти сооружения использовали как для усиления резонанса звуков волн. К примеру идущих звуков вол от движения караванов и т.д.

The archaeological objects found during the restoration (2006)



Деггарон мавзеидаги кадимий кудук  
Древний колодец  
The antique well in the Deggaroni mosque



Эндиш масалада кадимиий кудук таъминланган. Кадимиий кудук таъминланганда сарбоби олди. Биринчи таъминланганда кадимиий кудук таъминланганда сарбоби олди. Биринчи таъминланганда кадимиий кудук таъминланганда сарбоби олди.

Таъмирилаш жараённида топилган кудук (2006)  
Колодец найденный во время реставрации (2006)  
The well found during the restoration (2006)




Деггароний мавзеини таъмирилаш жараённида топилган кўзалар (2006)  
Найденные кувшины при реставрации (2006)  
The jugs found during the restoration on the Deggaroni mausoleum (2006)



Деггароний мавзеини таъмирилаш жараённида топилган кўзалар (2006)  
Найденные кувшины при реставрации (2006)  
The jugs found during the restoration on the Deggaroni mausoleum (2006)





Таъмирилаш жарабинда топилган археологик буюмлар (2006)

Найденные предметы при археологических раскопках (2006)

The archeological objects found during the restoration (2006)



Деггарон мавзени атрофидаги қадимий қалъа қолдиклари

Остатки оборонительного сооружения

The ancient remains of the fortress around the Deggaroniy mausoleum



Мавлоно Ориф Деггароний сағаналари ва Чиллахонанинг  
таъмирилашдан кейинги кўрниши (2006)

Погребение Мавлоно Ориф Деггароний после реставрации (2006)


Mavlono Orif Deggaroniy mausoleum the restoration (2006)



Таъмирилашдан кейинги янги дарвоза

Новые ворота после реставрации

The site of the gate after the restoration




Мачитнинг таъмирилашдан кейинги кўриниши

Вид мечети после реставрации

The site of the mosque after the restoration



Мечитнинг таъмирилашдан кейинги кўриниши  
Вид мечети после реставрации  
The site of the mosque after the restoration



НАВОИЙ-2007

«Ориф Деггароний - Марказий Осиё тасаввуф тальимотининг  
буюк валийси» мавзуидаги Республика илмий-назарий  
конференцияси материаллари  
Материалы Республиканской научно-теоретической конференции (2007)  
Conference research works in (2007)



«Ориф Деггароний - Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси» мавзуудаги Республика илмий-назарий конференцияси иштирокчилари

Участники Республиканской научно-теоретической конференции (2007)

The participants of the conference in 2007.

шулар жумласидандир. Бу фикрлардан Деггарон масжиди IX-XII аср оралигигида барпо этилган деб тахмин қилиш мүмкін.

2007 йил, 29 майда Мавлоно Ориф Деггаронийнинг янги таъмиранган мажмуасида Навоий давлат педагогика институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси томонидан «Ориф Деггароний - Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси» мавзуудаги Республика илмий-назарий конференцияси ўтказилди.

Конференция ишида ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институти, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Я.Ғуломов номидаги Тарих институти, ЎзР ФА Археология институти, ЎзР ФА Самарқанд бўлими Археология институти, шунингдек ЎзМУ, СамДУ, БухДУдан 100 ортиқ фалсафа, тарих, этнография, археология, филология, манбашунослик, нақшбандийшунослик соҳалари мутахассис профессор олимлардан М.Болтаев, Н. Комилов, Р.Рахмонов, М.Ҳасаний, Х.Исломий, Х.Аликулов, Г.Наврузова, М.Абдуллаева, А.Жўраев, М.Усмонов кабилар иштирок этишли.

Хулоса килиб айтганда, илми ирфон билмдони, буюк донишманд, валий Мавлоно Ориф Деггароний Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқат, маърифат ва хақиқат макомларида етукликка эришишда катта маънавий таъсир кўрсатган муршиддирлар. Тасаввуф тарихида Хўжагон ва Нақшбандия тариқатларини бир-бирига силсилавий боғланиши ва маънавий айнийлигини сақлаб қолишида Мавлоно Ориф Деггароний мухим ўрин эгаллаганлар.

Зеро, тасаввуф инсон калбидаги ёмон сифатлардан халос бўлиш чораларини ўргатувчи, қалbdаги эзгу сифатлар ва уларни кўлга киритиш йўлларини кўрсатувчи, маънавий мартабаларни босиб ўтиб, энг юксак маргаба бўлмиш «комил инсон» мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи ва нихоят, ирфон сирларини баён этувчи илмдир.

**Мавлоно Ориф Деггароний**  
*Рисола*

**Мавляно Ориф Деггарони**  
*Брошюра*

**Mavlono Orif Deggaroniy**  
Brochure

Техник мухаррир: М.Норқобилов  
Технический редактор: М.Норкобилов  
Technical editor: M. Norkobilov

Сафарова Нигора Олимовна  
Safarova Nigora Olimovna

---

## **МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ**

22.07.2011 йилда босишига руҳсат этилди. № 67-буортма  
Хазми 2<sup>1/2</sup> босма табок. Адади 100 нусха.  
НавДПИ босмахонасида чоп этилди.  
Навоий шаҳри Ибн Сино-45.

---